Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

Ishonch

• O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri
• Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Иқлим

ҚОР, СОВУҚ, МУЗЛАМА...

Юртимиз бўйлаб 20-23 февраль кунлари қандай об-ҳаво кутилмоқда?

«Ўзгидромет» хабарига кўра, ўтган ҳафта охирида Ўзбекистон ҳудудига кириб келган совуқ ҳаво массаси ўз таъсирини сақлаб туради.

Ҳафта давомида ҳаво ҳарорати асосан кечалари -3...-8 даража, шимолда -7...-12 даража, баъзи жойларда -16 даражагача, кундуз кунлари 19-20 февралда -3...+2 даража, 21-23 февралда +0...+5 даража атрофида бўлади.

21-23 февраль кунлари асосан ёғингарчиликсиз об-ҳаво бўлиши кутилмоқда.

Республика бўйича баъзи жойларга туман тушади. Шамол шимоли-шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Йўлларда яхмалак кузатилади.

Тоғли ҳудудларда вақти-вақти билан қор ёғади. Қор кўчиши хавфи бор.

Эъзоза УМУРЗОҚОВА олган сурат

Кун нафаси

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 февраль куни Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг ўринбосари – саноат ва савдо вазири, Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро қўшма комиссия ҳамраиси Денис Мантуров бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

ТАРАҚҚИЁТ УЧУН ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМОТИ

Президент Шавкат Мирзиёев 19 февраль куни ҳудудларда иқтисодий ўсишни таъминлаш, паст қувватда ишлаётган корхоналарни қўллаб-қувватлашга оид таклифлар тақдимоти билан танишди.

32 ПОҒОНА ЮҚОРИГА

Ookla компаниясининг speedtest.net сервиси 2024 йил январь ойи натижаларига оид янги маълумотларни эълон қилди.

Унга кўра, мамлакатимиз мобиль интернет тезлиги бўйича 4 поғона юқорилаб, ўсиш қайд этди. Бу билан Ўзбекистон 2023 йилнинг бошидан жорий йил ҳолатига кўра 32 поғона юқорилади.

2 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК КЕЛИШУВ

Ҳиндистонда бўлиб ўтган «Acrex India-2024» халқаро кўргазмасида Ўзбекистон вакиллари янги ҳамкорлар билан экспорт келишувига эришди.

40 дан зиёд давлат иштирокидаги совутиш, иситиш, вентиляция ва интеллектуал қурилиш технологияларига бағишланган мазкур кўргазмада «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси аъзоси, «Infinity Copper Group» (ICG) компанияси мисдан тайёрланган юқори қийматли буюмларни намойиш этди.

Самарали музокара натижасида «ICG» делегацияси ва Ҳиндистоннинг икки компанияси ўртасида англашув меморандуми имзоланди. Келишув доирасида мамлакатимиздан ушбу давлатга қиймати 2 миллион долларлик маҳсулот етказиб бериладиган бўлди.

ОНГ ЎЗГАРГАН, ИШОНЧ ОРТГАН

Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифидан кейинги ўйлар

3-саҳифада ўқинг

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган қисқа рақамли

1211

«Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



www.ishonch.uz
ishonch1991@yandex.uz
https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi
https://t.me/ishonchgz

Қашқадарё вилояти

Йиғилиш

ТАКЛИФЛАР БИЛДИРИЛДИ

Чироқчи тумани Мактабгача ва мактаб таълими бўлими ҳамда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши ўртасида 2023-2025 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа келишувининг 2023 йилда бажарилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими мудири Фарҳод Жуманов ҳисобот берар экан, сифатли таълим бериш йўлида замон билан ҳамоҳанг одимлаш, илғор педагоглар ва иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш, соҳа фидойиларини санаторийларда имтиёзли соғломлаштириш бўйича қилинган ишларни таъкидлаб ўтди.

Ўз навбатида, тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Абдураим Ҳайдаволов таълим муассасаларида муносиб меҳнат шароитларини яратиш, мурожаатлар билан ишлаш, бошланғич ташкилотларни зарур услубий қўлланма ва жиҳозлар билан таъминлаш, педагогларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини тўла ифода этишда касаба уюшмаларининг ўрни ошаётганини эътироф этди.

– Бир неча йилдан буён тумандаги 13-ўрта мактабда раҳбарлик қиламан, – деди музокара чоғида сўзга чиққан Райим Йўлдошев. – Ўқувчиларимиз «Фан олимпиадалари» ва «Билимлар беллашувлари»да ҳамда турли спорт мусобақаларида яхши натижаларни қўлга киритяпти. Бу эса педагогларга меҳнатига яраша рағбат олиш имконини беряпти. Ўзим ҳам «Қашқадарё соҳили» санаторийсида имтиёзли, бепул соғлиғимни тикладим...

Музокараларда таъкидландики, ўтган йили касаба уюшма аралашуви билан бир неча ходимга фойдаланилмаган меҳнат таътили пуллари тўлаб берилган. Шу боис педагоглар ва кадрлар нозирларига меҳнат таътилига чиқиш жадвалига қатъий риоя этиш бўйича таклифлар билдирилди.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»

* * *

Самарқанд вилояти

СТРАТЕГИК МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Самарқандда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг IX онлайн мажлиси бўлиб ўтди. Унда кенгашнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги масъул ташкилотчилари, шаҳар-туман кенгашлари раислари қатнашиб, ЎзКУФК VIII қурултойи қарорлари ҳамда Федерация томонидан қабул қилинган 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишлар бўйича белгиланган вазифаларни ва бошқа масалаларни муҳокама қилдилар.

Шиддатли ислоҳотлар нафақат иқтисодиёт, балки инсон меҳнатига бўлган муносабатларга ҳам ўзгача мазмун бахш этмоқда. Эндиликда меҳнатга мажбурийлик туси берилиши барҳам топмоқда. 17 та вазирлик, компания, кластер ва ташкилот билан келишувлар имзолаган соҳа касаба уюшмалари ижтимоий шериклик тамойили асосида устувор мақсадлар сари дадил интилмоқда.

– Тизимда меҳнат қилаётган 1,5 миллионга яқин ходим манфаати жамоа шартномалари қамровига олинган, – дея таъкидлади Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Рустам Холматов. – Соҳа ходимлари меҳнатини муносиб баҳолаш, уларни зарур имтиёз ва кафилликлар билан таъминлаш асосий мақсадимизга айланган. Тан олиш керак, ўтган йиллар мобайнида тузилмавий ўзгаришлар, айрим тармоқлардаги молиявий инқирозлар туфайли иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликларни «мерос» қилиб олганмиз. Тизим касаба уюшмалари саъй-ҳаракати билан 2023 йилда 13 миллиард 375 миллион сўм миқдоридаги иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик бартараф этилди.

Тармоқ касаба уюшмалари тизимда ишловчилар манфаатлари ҳимояси бўйича тўлиқ жамоат назорати ўрнатиш чораларини кўряпти. Ўтган йили 3527 та корхона-ташкилотнинг 71472 нафар ходими аъзоликка қабул қилинди. Кластерлар уюшмаси билан 2022-2024 йилларга мўлжалланган тармоқ келишуви ижроси доимий равишда назорат қилиб бориляпти.

Мажлис ниҳоясида кун тартибига киритилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Сирдарё вилояти

Танлов

МАТОНАТЛИ АЁЛЛАР БЕЛЛАШУВИ

Турмуш қурганларидан уч йил ўтар-ўтмай Холжонойнинг умр йўлдоши тўсатдан вафот этди. Аёл қўлида бир яшар бола, бўйида гумонаси билан бева қолди. «Ёшсан, бошқа турмуш қил» деганлар, совчиликка келганлар кўп бўлди. Бироқ қайнота ва қайнонасини кўзи қиймади. «Кетсам, буларнинг ҳоли нима бўлади» деб ўйлади. Ўқимагани, ҳунарли бўлмаганига афсусланди. Ўзини меҳнатга урди. Жўжа очириб, товуқ қилди, тухум сотди. Томорқада ишлаб, рўзғорга керакли сабзавотларни ўша ердан чиқарди. Бу орада иш ҳам топилди. Фаррошлик қилди. Сиртдан ўқиб, маълумотли бўлгач, узоқ вақт боғчада тарбиячи бўлиб ишлади. нуронийларнинг дуосини олди. Ҳалол меҳнат билан икки фарзандини олий маълумотли қилди.

Бугун Холжоной Бобобекова неваралари қуршовида чеккан заҳматлари роҳатини кўрмоқда. Фаоллар келиб, «Танлов ўтказяпмиз. «Қаропчи» маҳалласидан «Энг заҳматкаш аёл» номинациясига номзодингизни қўяйлик» дейишганида, кўзларига ёш келди. Танловда унга ғолиблик насиб этди. Иштирокчиларнинг барчаси ўзига ўхшаган аёллар экан.

Вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан Сирдарёда «Сен азиз ва муқаддассан, аёл» танлови бошланди. Танловдан мақсад – хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оилаларни мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳиссасини қўшаётган, оилада, фарзанд тарбиясида, рўзғор тутишда ибратли, ҳаётнинг турли қийинчиликларини сабр-бардош билан енгиб, олға интилаётган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтидор ва қобилиятларини рўёбга чиқариш, уларни муносиб тақдирлаш ҳамда бу борадаги илғор тажрибаларни оммалаштиришдан иборат.

Маҳаллалардаги оилалар чуқур, ҳар томонлама ўрганилгач, иштирокчилар танлаб олинаётир. Уларнинг кўпчилигини «Аёллар дафтари»да турганлар ташкил этади. Таъбир жоиз бўлса, бу танлов матонатли аёллар ўртасидаги беллашувдир.

Тадбиркор бўлганидан буён Марҳабонинг исми ёнига «акфачи»ни қўшиб айтишади. У эшик ва ромлар тайёрлайдиган аёл. «Аёллар дафтари»га киритилиб, имтиёзли кредит олган. Марҳабо Холиқулова яна қурилиш материаллари ҳамда сантехника жиҳозлари сотиладиган дўкон ҳам очди. Тўрт кишини доимий иш билан таъминлади.

У танловда «Энг яхши ҳунарманд аёл» номинациясида ғолиб бўлди. «Гулбоғ» маҳалласидан Сайҳа Абдураҳмонова «Энг заҳматкаш аёл», «Озодлик» маҳалласидан Севара Асророва «Энг ташаббускор спортчи аёл» бўлишди. Шунингдек, танловда Комила Қодирқулова, Сидарохон Жуманова, Моҳира Мажидова, Гўзал Қозоқова, Саодат Юнусова ва Ҳанифа Жумаева ҳам турли йўналишлар бўйича ғолиб бўлишди.

– «Қимирлаган қир ошар» деган мақолимиз бор, – дейди «Янги бўстон» маҳалласидан Фотима Эшонқулова. – Ўзим доим ҳаракатда бўлишни, тозаликни, саришталикни яхши кўраман. Турли экинлар, гуллар уруғини етиштираман.

Танловда Фотима Эшонқулова «Саранжом сариштa аёл» деб топилди.

Сорахон Эшонқулова – катта хонадоннинг онахони. Ҳар мавсумда ипак қурти боқади. Маҳалла ҳаётида фаол. Беш фарзандини меҳнаткаш, ҳалол, камтар қилиб ўстирди. Энди неваралари тарбияси билан машғул. «Бу – менинг онам» номинацияси ғолиблиги айнан шу мўътабар аёлга насиб этди.

Хуллас, танловда боёвутликлар фаол қатнашишди. Иштирокчиларнинг барчаси совғалар билан сийланди.

Агар аёлнинг кайфияти яхши бўлса, дунёни гулга буркайди. Унинг кайфияти кўтарилиши учун эса озгина меҳр, озгина эътибор кифоя.

Ташаббуснинг қаноти бор. Оддий, камтар, ибратли, қалблари шукроналикка лиммо-лим аёллар ўртасидаги танлов вилоятдаги маҳаллаларнинг барчасига кўчган.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»



КАСАБА УЮШМАСИГА АЪЗО БЎЛСАМ...

САВОЛ: Касаба уюшмаси қандай ташкилот? Кимлар аъзо бўлиши мумкин ва у ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда қандай ҳуқуқларга эга?

Ёдгора ЙЎЛДОШЕВА
Самарқанд вилояти

ЖАВОБ: Касаба уюшмаси қандай ташкилот экани ва касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этишга бўлган ҳуқуқлари «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонунда белгилаб қўйилган.

Касаба уюшмаси – фуқароларнинг ўз фаолияти ёки ўқиши тури бўйича умумий касбий манфаатлари билан боғлиқ бўлган, уларнинг меҳнатга оид, бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида тузиладиган, ўз устави асосида фаолият кўрсатадиган ихтиёрий жамоат бирлашмасидир.

Меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқаролар, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида таълим олаётган, ўн беш ёшга тўлган шахслар (бундан буён матнда ходимлар деб юритилади) ҳеч қандай тафовутсиз ўз танловига кўра ва олдиндан рухсат олмай туриб, ихтиёрий равишда касаба уюшмаларини тузиш ҳуқуқига, шунингдек, касаба уюшмаларига уларнинг уставларига риоя этиш шарти билан аъзо бўлиш ҳуқуқига эгадир.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшма ташкилотлари аҳоли бандлигини таъминлаш, ишдан озод этилаётган ходимларни ҳимоя қилиш масалаларини, шунингдек, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир бошқа масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга даъво аризаси, шунингдек, суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.

Булардан ташқари, касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришини ва эркин ривожланишини таъминловчи шарт-шароитлар яратишга қаратилган ижтимоий дастурларни шакллантиришда, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда, турмуш даражасининг асосий мезонлари ва тирикчилик учун зарур бўлган нарсаларнинг энг кам миқдорини белгилашда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Қолаверса, касаба уюшмалари ташкилотларнинг раҳбарларига ҳамда бошқа мансабдор шахсларга ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритишга, шунингдек, ташкилотларнинг раҳбарларига мазкур қоидабузарликларда айбдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимномалар киритишга ҳақли.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Тошкент шаҳри

Эътибор

МАЪМУРА АЯНИНГ ДУОСИ

Маъмура Йўлдошева Юнусобод туманидаги «Оқтепа» маҳалласида яшайди. Турмуш ўртоғи билан тўрт ўғил, бир қизни тарбиялаб, вояга етказди. Аммо бир кам дунё деганларидек, ая ёшлигида юз берган бир воқеадан таъсирланиб, тили дудуқланиб қолади. Боз устига, кейинчалик туғилган беш фарзанднинг иккиси – бир қизи ва бир ўғлига ҳам бу дард ҳамроҳ бўлди. Оқибатда, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши қийин кечди. Айни пайтда оилали ва фарзандлари бор, аммо маҳаллада кам таъминланган оила сифатида рўйхатда туришади.

Яқинда маҳалла вакиллари ҳамкорлигида онахон яшаётган хонадонда бўлдик.

– Бир куни уйимга маҳалла фуқаролар йиғинидан Фарангиз Толипова, туман ҳокимлигидан Дилфуза Муҳсимова ва бошқалар келиб, «Аёллар дафтари»га киритилишимни айтишди. «Нима муаммоингиз бор, саломатлигингиз қандай?» деб сўрашди. Уйимизнинг шароити абгор аҳволдалигини, таъмирлашга маблағимиз йўқлигини, кўзларимга парда тушиб, яхши кўролмаётганимни айтдим. Оилада 10 жонмиз. Қизимнинг турмуш ўртоғи оламдан ўтган, унинг тўрт нафар фарзанди бор ва биз билан яшайди. Ўғлимда ҳам икки фарзанд бор. Ҳаммамиз шу уйда турамиз. Аммо оилада фақат бир ўғлим ва қизим ишлайди. Иккисининг ҳам имконияти чеклангани боис даромади ҳам ҳаминқадар.

Аҳволимизни кўрган вакиллар уйимиз таъмирланиши, кўзларимни текширтиришим учун йўлланма берилишини айтишди. Шундан сўнг ҳаммаси бошланиб кетди. Аввалига чап кўзимдаги катаракта операция қилиниб, олиб ташланди. Ўтган йилнинг ёзида эса «Халқ банки» томонидан хонадонимиз таъмирланиши учун 119 миллион сўм маблағ ажратилиб, ювиниш хонаси ва ошхонадан тортиб, қолган тўртта уйимиз ҳам таъмирланди. Эски поллар ва ромларимиз алмаштирилиб, иссиқ, қулай, шинам аҳволга келтирилди. Айни пайтда ўғлим билан қизим туманимиздаги хусусий цехда ишлашяпти. Ҳар тугул, рўзғоримизга барака кирди. Ҳукуматимизнинг мен каби меҳр ва эътиборга муҳтож инсонларга кўмак бераётганидан миннатдорман.

Маъмура ая Юртбошимизни, муҳтожларга кўмак бераётган ҳомийларни узоқ дуо қилди. Юртимизга тинчлик, элимиз дастурхонига тўкинлик сўради.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

Бухоро вилояти

Жамоатчилик назорати

ХАВФСИЗ ВА СОҒЛОМ МЕҲНАТ МУҲИТИ

унинг талабларига барча бирдек эътиборлими?

«...Ободонлаштириш бошқармасининг икки ходимаси иш вақтида техтиканинг яроқсизлиги сабаб ҳалок бўлди».

«Корхонадаги носоз дастгоҳда ишлаётган 28 ёшли йигит ток уриши оқибатида дунёдан кўз юмди».

Шу каби хабарларни кўпчилигимиз оддий маълумотдек қабул қиламиз. Аммо бу совуқ хабар ортидан ҳодиса қурбонларининг оила аъзолари йиллар давомида, балки умрининг охирига қадар қаддини тик тутолмай, дили кемтик бўлиб, армонда яшаши ҳақида ўйлаб кўрмаймиз.

Афсуски, меҳнат жараёнидаги бахтсиз ҳодисалар дунёнинг барча мамлакатларида содир бўлиб туради ва бу кимларнингдир умрига зомин бўлса, яна кимларнидир майиб-мажруҳга айлантиради.

Шу боис ҳам ходимлар учун иш берувчи томонидан соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши, меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш касаба уюшмалари фаолиятининг муҳим мезонларидан саналади. Бунинг натижасида минглаб меҳнаткашлар учун зарур шарт-шароитлар яратиш чоралари кўрилади. Биргина мисол. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши айни чоққа қадар 340585 нафар касаба уюшма аъзосига меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича хизмат кўрсатиб келмоқда.

– Бошланғич ташкилотларда ходимларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш учун ўтган йили 25,5 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланган, – дейди Федерациянинг вилоят кенгаши меҳнат техник инспектори Ҳайитбек Барноев. – Албатта, бу маблағлар ортидан қайсидир ходим ишлаётган носоз ускуна таъмирдан чиқарилган, совуқда ўтирган меҳнаткашларнинг хонасига кондиционер ўрнатилган, ё бўлмаса, ишлаб чиқариш ташкилотининг қурилмаларини бутунлай янгилаш ҳисобига кишиларнинг оғир меҳнат шароитларини енгиллатишга эришилган ва ҳоказо...

Инсон учун энг муҳим неъмат саналган саломатликни асраб-авайлашга кўпинча эътибор қаратмаймиз. Аммо бизнинг ёдимиздан кўтарилган муҳим масала касаба уюшмаларининг доимий эътиборида. Зотан, инсоннинг соғлиғи бутун бўлсагина бамайлихотир меҳнат қилишда давом этади. Шу маънода ўтган йили вилоятда ишчи-ходимлар 2,3 миллиард сўм эвазига тиббий кўрикдан ўтказилган. Зарарли меҳнат шароитида ишловчи ходимларга эса йил давомида 1,6 миллиард сўмга сут ёки шунга тенг бошқа сут маҳсулотлари, даволаш-профилактика, озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиена, антисептик воситалари олиб берилган. «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонун талаби бўйича 81 350 нафар ходим суғурта қилинган.

Муносиб меҳнат шароитлари яратилиши жамиятнинг иқтисодий барқарор ўсиши, ривожланиши ҳамда фаровон ҳаёти гаровидир. Бундай шароитларни муҳайё қилиш иш берувчининг масъулиятини оширади. Таассуфки, баъзи ишлаб чиқарувчилар «муносиб меҳнат шароитлари-ю меҳнат муҳофазасини таъминлаш» тушунчасидан бир чақирим нарида юради. Чунки шароит яратиш ўзига яраша чиқимдорлик ва харажат талаб этиши, шубҳасиз. Ҳайитбек Барноевнинг бизга тақдим этган маълумотларига кўра, йил мобайнида вилоят меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари томонидан айнан шундай шароитлар билан танишиш мақсадида 22 та бошланғич ташкилот фаолияти ўрганилганда, қатор камчиликлар аниқланган. Ишловчиларга хавфсиз меҳнат шароитларини яратишда зарур бўладиган махсус кийим-бош, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, санитария-маиший шароитларини яхшилаш, жойларда жамоатчилик назорати асосида ишларни жонлантириш бўйича касаба уюшма ва хўжалик органларининг 5 тасига амалий ёрдам кўрсатилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан иш берувчиларга тақдимномалар киритилди.

Афсусланарли жиҳати шуки, кўрсатилаётган ёрдам ва амалий ишларга қарамай, вилоят корхоналарида 15 та ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса натижасида 16 нафар ходим оғир тан жароҳати олган. Бунинг сабаблари таҳлил қилинганида, носоз ускуналардан фойдаланиш, ток уриши, эҳтиётсизлик, йўл-транспорт ҳодисаси сингари мисолларни санаб ўтиш мумкин. Корхона, ташкилот ва муассасаларда содир бўлаётган бахтсиз ҳодисаларнинг сабабларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, бошланғич ташкилотларга етказилди.

– Йил давомида фуқаролар томонидан бўлимимизга келиб тушган 4 та ёзма мурожаат қонун доирасида ўрганилиб ижобий ҳал қилинди, – дейди Ҳ.Барноев. – Фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларига даъво аризалари киритилди. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлар 11 нафар фуқарога боқувчисини йўқотганлик учун тўланадиган зарар тўловлари тўлаб берилиши бўйича ҳал қилув қарори чиқариб, суд ижрочилари томонидан ундириб берилди. Буларнинг аксарияти соғлиққа етказилган зарар тўловлари ҳамда боқувчисининг вафоти туфайли етказилган зарар тўловларидан иборат. Бундан ташқари, фуқаролар томонидан келиб тушган ўнлаб оғзаки мурожаатлар бўйича уларга қонуний тушунчалар берилиб, уларнинг иш берувчилар олдидаги ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур, деб бежиз айтилмаган. Зотан, ҳар қандай идора-ташкилот ходим ишлаши учун энг қулай масканга, муқаддас гўшага айланмоғи зарур. Қачонки, ходим ўзи ишлаётган меҳнат шароитларидан миннатдор бўлса, ишида барака, кайфиятида кўтаринкилик, фаолиятида унум бўлади.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

Ўтган йиллардаги энг катта ютуқлардан бири тадбиркорларимизда онг ўзгарди, ишонч ортди. Бугун улар рақобатбардош бўлиб, дунёга чиқяпти. Булар ҳам фаолиятини оддий ишдан, маҳалладан бошлаган. Бошқалар ҳам шундай қилса бўлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ОНГ ЎЗГАРГАН, ИШОНЧ ОРТГАН

Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифидан кейинги ўйлар

Андижонликлар орасида «Бизникиларга қўйиб берсанг, ойга чиқиб экин экиб, деҳқончилик қилишади» деган гап юради. Бу лутф гарчи ҳазил ва муболаға билан айтилган бўлса-да, унинг замирида андижонликларнинг феълу тутумига хос йўқни йўндириш, омилкорлигу уддабуронлик каби фазилатларга урғу берилганини илғаш қийин эмас.

Рости ҳам шуки, ҳар қарич ери ҳисоб-китобли бўлган, аҳоли зичлиги бўйича мамлакатдагина эмас, дунё миқёсида ҳам юқори ўринларда турадиган ҳудуднинг йил сайин ўсиб бораётган иқтисодий салоҳияти тадбиркорликка бориб тақалади. Бандлик, кичик бизнес, экспорт имкониятлари, қўйингки, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли соҳаларида эришилаётган, эътироф этилаётган натижаларининг ҳамма-ҳаммаси тиниб-тинчимас андижонликлар қонида жўш уриб турган тадбиркорлик хислати, бугунги саъй-ҳаракатларига чамбарчас боғлиқ. Шоир айтмоқчи, «ахир кўкдан тушмаган шунча обрўнинг бари...». Барча ютуқлар ортида меҳнат, интилиш, янгиликка ўчлик каби жиҳатлар мужассам.

Юқорида тилга олинган сифатларда заррача бўрттириш йўқ – зотан, давлат раҳбарининг Андижонга икки кунлик ташрифи чоғида бу замин аҳлининг турмуш тарзи, орзу-умидлари, эл-юртга қайишиб, яхши яшашга интилиши, келажакка катта ишончи ҳар қадамда, ҳар бир соҳа ютуқларида яққол кўзга ташланди. Президентнинг ташриф дастуридан ўрин олган барча жабҳалар, айниқса, тадбиркорликнинг кейинги йилларда кенг қулоч ёзиб бораётган икки қирраси – трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда мебелсозлик йўналишларида ҳудудда катта тажрибалар яратилаётганлиги бор гап.

...2000-йилларда, у ёки бу юмуш билан давлат идораларига мурожаат этганда деярли барча ташкилот ва муассасаларда нигоҳим тушган манзарани ҳамон эслайман: бинонинг фойесида, раҳбарларнинг қабулхоналарида, хизмат хоналарида юзаси ва суянчиқ қисмига қизил мато қопланган бир хил шакл ва ўлчамдаги стуллар, қўш ўриндиқларга кўзингиз тушарди. Биров-ярмини истисно қилганда, наинки идораларда, хонадонларда ҳам шунга ўхшаш деярли бир хил мебелларни кўриш мумкин эди.

Сирасини айтганда, таърифини келтираётганимиз буюмлар собиқ иттифоқ даврида, кейинчалик мустақиллик йилларининг бошида ҳам фаолият кўрсатган Андижон вилоятидаги ягона мебель фабрикасининг маҳсулотлари эди. Борки танлов стол-стул, хонтахта, шкаф, жавон каби тўрт-беш хил ассортиментдаги жиҳозлардан иборат, у ҳам бўлса, олдиндан ёзилган навбат асосида, энг аввало ташкилотлар орқали етказиб берилганлигини давраларда катта авлод вакиллари эслаб туришади.

Бугун энди давр ўзгарди. Шу билан бирга, одамларнинг онгу шуури ҳам, қарашлари ҳам ўзгарди. Бошқа ҳунармандчилик турлари қатори мебелсозликда ҳам замонавий андозалар бўй кўрсата бошлади. Аввало, ресурс, хомашё масаласида минг хил танлов бор. Бу – ҳунарманд учун катта имконият дегани. Шунга монанд тайёрланаётган маҳсулотларнинг тури беҳисоб. Энг муҳими, мебелсозлар ҳам бозорга тортиқ этаётган жиҳозларининг шакл-шамойили борасида кун сайин янгилик қилиб турмаса, иш услубини такомиллаштириб бормаса, рақобатда синиб қолиши мумкинлигини яхши билади. Шу боис ҳам бугун харидорга етказилаётган ҳар бир мебелга унинг бунёдкори ижодий иш мисоли ёндашади.

Бугун Андижон вилоятида 377 та мебелсозлик корхонаси фаолият кўрсатяпти. Бундан ташқари, хонадонларда айни юмуш билан шуғулланаётган ҳунарманд-тадбиркорларнинг ҳам саноғи йўқ. Биргина Олтинкўл туманидаги Ижтимоят маҳалласида 490 та хонадонда мебель тайёрлаш кооперация усулида йўлга қўйилган. Ҳисоб-китобларга кўра, вилоятда мебель ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилга нисбатан 15 баробарга ортган.

Давлат раҳбарининг бу борадаги натижалар кўламини кўздан кечириши асосида мебелчиликни янада ривожлантириш мақсадида Андижон ва Олтинкўл туманларида шу соҳага ихтисослашган 2 та саноат зонаси ташкил этилаётганлигига урғу берилди. Бу бежиз эмас, албатта. Аввало, ҳар икки ҳудуд ҳам вилоят марказига туташ, коммуникация жиҳатдан кўп қулайликларга эга. Қолаверса, Андижон шаҳридан ҳам минглаб ёшлар ушбу ҳудудларда «устоз-шогирд» анъанаси асосида ҳунар ўрганишмоқдаки, бунда масофанинг яқинлиги ҳам улар учун катта аҳамиятга эга. Яқин келажакда эса уларнинг ҳар бири мустақил ҳунар эгасига айланади.

Андижон туманининг Дамариқ маҳалласида яшовчи Баҳодир Тўхтаев мактабнинг юқори синфида ўқиётган йилларидаёқ дарсдан сўнг ҳунар ўрганишга астойдил киришган. Ҳатто Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институтида таҳсил олган кезларда ҳам бир муддат бўлсин бу юмушдан узилмади. Мебелсозлик билан мустақил шуғуллана бошлаганига 15 йил бўлди. Бу муддат ичида яхши даромад топди, илло ҳою ҳавасга муккасидан кетган айрим тенг-тўшлари каби қимматбаҳо машиналар минишга, ҳашамга учмади. Ҳолбуки, ҳунари ортидан бунга имконияти ҳам, қурби ҳам етадиган паллага келганди. Фойданинг рўзғордан ортган қисмини замонавий ускуналар харид қилишга, иш шароитларини янада яхшилашга сарф қилди. Бугунга келиб Андижон тумани саноат зонасида мўъжазгина цехга эга бўлди, ўнга яқин шогирдлари бор. Энг муҳими, мебелларига харидор аримайди, шунинг ортидан ўзи билан бирга, иш ўрганиб, ёнига кирган шогирдлари ҳам оиласига барака олиб кираяпти.

– Ё мактабда яхши ўқиш керак ёки ҳунар ўрганиш керак, деган фикрлар тез-тез қулоғимга чалинади, – дейди Баҳодир Тўхтаев. – Ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтаманки, гуманитар ва аниқ фанларни яхши ўзлаштирмаган ўқувчидан яхши ҳунарманд чиқмайди. Дейлик, мебелсозликда математика, чизмачилик фанларининг аҳамияти жуда катта. Қолаверса, янги дизайн, янги шаклдаги жиҳоз яратиш учун қайсидир маънода рассомлик қобилияти ҳам керак бўлади. Мебеллардаги ҳар бир шакл, ҳар бир деталь маълум вазифани бажариши зарур. Кейинги пайтларда бу соҳада рақобат кучайди, харидорларнинг ҳам диди нозик. Уларнинг кўнглига ёқадиган, бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун мунтазам равишда изланиш даркор. Президентимизнинг ташрифи давомида шу соҳага ҳам алоҳида эътибор қаратганлиги, руҳлантирганлиги бир ҳунарманд сифатида мени ниҳоятда қувонтирди.

Трикотаж маҳсулотлари масаласида сўз очилганда, Андижонда бу борада катта мактаб яратилганлигини таъкидлаш жоиз. Хўжаобод тумани эса айни йўналишдаги тадбиркорликнинг бешиги десак, муболаға бўлмайди. Бундан 10-15 йиллар аввал сўз бораётган туманда аввалига хонадонларда, кейинчалик кичик цехлар шаклида очилган субъектлар орасида бора-бора юзлаб, минглаб хотин-қизларни иш билан таъминлашга қодир гигант корхоналар пайдо бўлди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифати ошиб, экспортга ҳам йўналтириладиган бўлди. Бугун «Само», «Фазо», «Барчиной» каби йирик трикотаж корхоналарининг мамлакатдан ташқарига ҳам довруғи кетган. Яхши тажрибалар қанот қоқиб, Булоқбоши, Жалақудуқ каби қўшни туманларда ҳам айни турдаги корхоналар сафи кенгайиб боряпти.

Катта арава қаёққа юрса, кичиги ҳам ортидан боради дегандек, йирик корхоналарга бўлган ҳавас кейинги йилларда Хўжаободдаги юзлаб оилаларни тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ундагани қувонарли, албатта. Туманнинг Мустаҳкам маҳалласи – мўъжазгина ҳудуд. Кейинги 5 йил ичида маҳалла тадбиркорлари тикувчилик йўналишига ихтисослашди ҳисоб. Мисол учун, айни пайтда фаолият кўрсатаётган 36 нафар тадбиркорнинг 25 нафари тикувчилик билан шуғулланади. Улар томонидан ташкил этилган цехларда 150 дан ортиқ маҳалладошларга доимий иш ўринлари яратилган. Бундан ташқари, касаначилик усулида тикувчилик фаолияти билан ўз-ўзини банд қилган 29 нафар хотин-қизлар ҳам борки, улар учун доимий буюртма нақд: тадбиркорлар томонидан хомашё етказиб беради, сўнгра келишилган хизмат ҳақини тўлаб, тайёр маҳсулотни қабул қилиб олишади.

Умуман олганда, Андижонда маҳаллаларнинг маълум бир соҳа, йўналиш, ҳунармандчилик турларига ихтисослашуви жараёни жадал бормоқда. Айниқса, трикотаж-тўқувчилик йўналишида маълум бир маҳсулотлар тайёрлашнинг устасига айланган ҳунармандлар йиллар давомида орттирилган маҳорат ва тажриба эвазига ҳар қандай янги турдаги буюртмани бекаму кўст қилиб уддалай олишини Балиқчи туманининг Чинобод шаҳарчаси биқинидаги Гузар, Адолат, Қаҳрамон, Дарёбўйи маҳаллаларида ҳунарманд-тадбиркорларнинг фаолияти мисолида кўриш мумкин.

Мисол учун, «Гузар» маҳалла фуқаролар йиғинида 3237 нафар аҳоли яшайди. Маҳалладошларнинг 213 нафари тадбиркорлик билан шуғулланади. Асосан трикотаж ва тўқимачилик фаолиятига ихтисослашган тадбиркорларнинг маҳсулотлари тури йилдан йилга кенгайиб боряпти.

Шуҳратбек Йўлбарсов хонадонида йўлга қўйилган трикотаж цехи ишчилари, юқорида айтганимиздек, бора-бора ҳар қандай буюртмага лаббай деб жавоб берадиган бўлишди. Юртимизда пандемия авжига чиққан кезларда одатдаги маҳсулотларга талаб бирмунча сусайди. Тадбиркор кузатсаки, шифокор ва беморлар киядиган бир марталик енгил халатларга эҳтиёж катта. Дарҳол шу ишга қўл урилиб, айтилганидан зиёда маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошлади. Бугунги кунга келиб эса, спорт майдончалари дарвозаси учун тўрлар тўқиш, сайёҳлик компаниялари буюртмаси асосида турли-туман сумка ва либослар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Ихтисослашув ва мослашувчанлик муҳити Олимжон Орзиқулов асос солган корхона мисолида ҳам ўз сўзини айтмоқда. Мўъжазгина цехда 2014 йилларда сочиқ ишлаб чиқарилиб, экспортга йўналтирилар эди. Кейинчалик натижалар тадбиркорни ҳам, қўл остидаги ишчиларни ҳам қониқтирмай қўйди. Бозор талабларидан келиб чиқиб, тўқимачилик фаолиятига урғу берилди. Ҳозирда ушбу масканда 120 нафар хотин-қиз тўқимачилик билан шуғулланмоқда.

– 2023 йилда субсидия асосида 14 та хонадон вакилларига тикув машиналари олиб берилди, – дейди Балиқчи туманидаги «Гузар» МФЙ раиси Ойбек Абдураупов. – Маҳаллада 70 та хонадон аъзолари касаначилик асосида тикувчилик-тўқувчилик билан шуғулланади. Уларга ҳудудимиздаги тадбиркорлардан доимий буюртма бор. Қишлоқ аҳлининг асосий қисми азалдан деҳқончилик билан шуғулланарди. 15 йиллар аввал икки йил кетма-кет сув масаласида муаммо юзага келиб, ҳосилдорлик кескин тушиб кетди. Бир тарафдан ишбилармонларга эътибор, иккинчи тарафдан қишлоқдаги табиий шароит туртки бўлиб, кўплар ўзини тадбиркорликка урди. Бугунги кунга келиб, аксарият оилалар бир вақтнинг ўзида ҳам тадбиркорлик, ҳам деҳқончиликдан рўзғорини бутлаб, турмуш шароитини яхшилашмоқда.

Сирасини айтганда, вилоятнинг деярли барча маҳаллаларида кенг қулоч ёзган тадбиркорлик ҳаракати сабаб бугун қишлоқларда қарийб бекорчи аёлнинг ўзи йўқ. Кимдир тикувчи, яна биров тўқувчи, бошқаси эса яна ўзга ҳунар билан банд – муҳими қўлида доимий иши, даромади бор. Эслайлик, ўн йиллар аввал ҳам «пахта мавсумида улгуржи пул ишлаб оламан» дея турмуш ўртоғига рўзғор бутлиги масаласида кўмакдош бўлишга интилган аёллар сон-саноқсиз эди. Бугун пахта терими мавсумида қишлоқларга бориб кўринг-чи, ўша саккиз-ўн йил аввалги юзлаб, минглаб теримчи опа-сингилларни топа олармикинсиз? Топа олмайсиз! Эндиликда пахта теришга иштиёқмандлар ҳам бармоқ билан саноқли. Чунки аксар хотин-қизлар йил-ўн икки ой доимий иш билан банд. Қишда иссиқ, ёзда салқин хонада меҳнат қиладиган ҳунарли аёл терлаб-пишиб далага чиқармиди?

...Гапнинг сираси, бугун вилоят аҳли чин маънода тадбиркорга айланган. Одамларнинг онги ўзгарган, эртанги кунига ишончи ортган, бугунги кунидан рози бўлиб, эртаси бундан-да яхши бўлиши учун тинимсиз саъй-ҳаракатда. Давлат раҳбари таъкидлаган «Андижон вилояти кечаги Андижон эмас» деган эътироф замирида шу юрт одамларининг катта меҳнатлари, бунёдкорлик фазилатлари мужассам.

Нурилло НЎЪМОНОВ
«ISHONCH»

«Ishonch»га жавоб берадилар...

БОШҚА БИЗНЕС ТУРЛАРИГА ҚАРАГАНДА ЖОЗИБАЛИ ЭМАС...

«Ishonch» газетасининг 2024 йил 1 февраль 16-сонида «Жавобини кутаётган саволлар» рукни остида Транспорт вазирлигига «Қишлоққа қачон замонавий автобус келади?» деган савол билан мурожаат йўлланган эди.

Транспорт вазирлигига!

ҚИШЛОҚҚА ҚАЧОН ЗАМОНАВИЙ АВТОБУС КЕЛАДИ?

Мамлакатимизнинг йирик шаҳарларида замонавий автобуслар қатнови кенг йўлга қўйилди. Ҳар жиҳатдан қулай, шинам транспорт воситаси йўловчилар манзилини яқин қилиш баробарида экологик муҳит мусаффолигига ҳам ҳисса қўшмоқда.

Аммо бундай имкониятдан қишлоқларда яшовчи аҳоли бебаҳра қоляпти. Олис чекка ҳудудларни кўя турайлик, ҳатто туман марказларини катта шаҳарлар билан боғловчи йўлларда ҳам замондан ортда қолган автобуслар ҳаракатланаётганига нима дейсиз?

Масалан, Пахтачи, Қўшработ, Нарпай, Нуробод, Каттақўрғон ва бошқа қатор туманларда ҳаракатланаётган автоуловларнинг аксар қисми ўз муддатларини ўтаб бўлган транспорт воситаси саналади.

Аслини олганда жамоат транспортининг қулайлик жиҳатлари кўп. Энг аввало, йўлкира устидан назорат ўрнатилади. Қолаверса, шахсий транспорт воситаларида кундан-кунга ўрлаб бораётган нарх жиловланади. Ошиб бораётган тирбандликларга ҳам барҳам берилиб, бюджетга салмоқли тушум бўларди.

Айтмоқчи бўлганимиз, туман йўналишларига ҳам замонавий автобуслар қатновини йўлга қўйиш мумкинми-йўқми?

Илҳомиддин РУСТАМОВ
Каттақўрғон шаҳри

Унга Транспорт вазирлигидан қуйидаги мазмунда жавоб келди:

Жамоат транспортида кўрсатилаётган хизматлар сифати биринчи галда ҳудудларда мавжуд ҳаракат таркибининг ҳолати билан боғлиқ. Тошкент шаҳридан ташқари республикамизнинг барча ҳудудларида йўловчи ташиш билан 100 фоиз хусусий тадбиркорлик субъектлари шуғулланади. Тадбиркорлар ўз корхонасидаги ҳаракат таркибини янгилаш борасида молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда иш кўради.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, йўловчиларни ташиш соҳаси бошқа бизнес турларига қараганда жозибали эмас. Яъни, соҳага тикилган маблағнинг қайтиши ва тадбиркор учун даромад маржаси юқори эмаслиги, ҳудудларда йўлкира ҳақи пастлиги, ички бозорда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тақдим этилаётган автобуслар нархининг қимматлиги, банклар томонидан автобус сотиб олиш учун таклиф этилаётган кредитлар фоиз ставкасининг баландлиги ва шартларининг оғирлиги ҳудудларда фаолият юритувчи корхоналар томонидан ҳаракат таркибини замонавий автобуслар билан тўлдиришда асосий тўсиқлардандир.

Бугунги кунда Транспорт вазирлиги мамлакатимизнинг барча ҳудудларида жамоат транспорти тизимини такомиллаштириш, аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизматлари сифати ва ҳажмини ошириш борасида тизимли ишларни амалга оширмоқда.

Ўтган йили жамоат транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш бўйича бир нечта норматив ҳужжат қабул қилиниб, аҳолини сифатли ва кафолатланган транспорт хизматлари билан таъминлаш механизмлари яратилди.

Республика бўйича барча аҳоли яшаш пунктлари тўлиқ хатловдан ўтказилиб, 10 мингдан ортиқ аҳоли яшаш пунктидан 1 113 таси транспорт қатнови билан қамраб олинмагани аниқланган ва ундан 1 081 тасида жамоат автотранспорти қатнови йўлга қўйилди. Қамраб олинмаган 32 та аҳоли пунктига олиб борувчи йўл сифати ҳаракатланиш хавфсизлиги талабларига жавоб бермагани учун ушбу йўллар таъмирлаш дастурига киритилди.

Таҳлилларга кўра, бугунги кунда мавжуд йўналишлардаги транспорт воситаларини янгилаш (10 йилдан ортиқ), сиғимини ошириш («Damas» русумли транспорт воситаларини автобус ва микроавтобусларга алмаштириш), фаолият юритмаётган йўналишларни қамраб олиш учун қўшимча 4200 дан ортиқ автобус, 5 ярим мингдан ортиқ микроавтобусга эҳтиёж бор.

Шу муносабат билан жорий йилдаги энг асосий вазифа ҳудудлар жамоат транспорти учун 1000 та автобус ва 2000 та микроавтобус харид қилинишини таъминлаш ҳисобланади.

Маълумот учун: 2023 йилда республикада қарийб 2000 та автобус ва 1000 та микроавтобус харид қилинди.

Самарқанд вилояти мисолида кўрадиган бўлсак, бугунги кунда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётган корхоналар сони 235 тани ташкил этмоқда.

Мазкур корхоналардан 39 таси автобус йўналишларида 459 та ҳаракат таркиби билан, шартнома асосида (туризм, хизматчи ва ҳ.к.) 23 та корхона 108 та ҳаракат таркиби билан хизмат кўрсатмоқда.

Микроавтобус йўналишида эса 12 та корхона 116 та ҳаракат таркиби билан, шартнома асосида (туризм, хизматчи ва ҳ.к.) 23 та корхона 62 та ҳаракат таркиби билан ҳамда йўналишли такси (Damas) 81 та корхона 1701 дона транспорт воситаси билан йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда.

Сўнгги беш йилда вилоятда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар (тадбиркорлар) томонидан жами 193 та автобус ва 75 та микроавтобус харид қилиниб, йўналишларга жойлаштирилди. 2019-2022 йилларда сотиб олинган ҳаракат таркибининг аксариятини Isuzu автобуслари ташкил этган бўлса, 2023 йилда 60 та KingLong, 6 та Yutong ва 30 та бошқа компанияларнинг жами 96 дона замонавий автобуслари харид қилинди.

2024 йилда ҳаракат таркибини янгилаш борасида қатор лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган. Хусусан, «Самарқанд шаҳар жамоат транспорти учун электробуслар харид қилиш ва улар билан бевосита боғлиқ инфратузилмани яратиш» лойиҳаси доирасида 100 дона Yutong электробуси ва 50 та қувватлаш қурилмаси харид қилинади. Лойиҳа доирасида харид қилинадиган электробуслар ва қувватлаш қурилмалари хусусий секторда (ташувчиларга) энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли билан молиявий ижарага берилади.

Шунингдек, вилоятда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи «Maroqand trans 777» МЧЖ томонидан 8-9 метрли замонавий, паст полли 150 дона автобус харид қилиш режалаштирилган.

Яна бир муҳим жиҳат, жорий йилда вилоятда йўловчилар учун сифатли хизмат ҳамда ташувчилар учун кафолатланган молиялаштириш механизми бўлган «brutto-shartnoma» тизимига ўтилади. Бу ҳам, ўз навбатида, ташувчилар томонидан ҳаракат таркибини замонавий автобуслар билан бойитиш имкониятини яратади.

Транспорт вазирининг биринчи ўринбосари М.ОМАРОВ

Har bir odam nimadir bajarmoq uchun dunyoga keladi.
Yer yuzida yashab yurgan har bir insonning hayotda o‘z vazifasi bor.
Ernest Xeminguey

2024-YIL 20-FEVRAL, SESHANBA
№ 24 (4932)

Табиат ва инсон

ХОНАДОНИНГИЗНИ КИСЛОРОДГА ТЎЛДИРИНГ!

Охирги вақтларда Тошкент шаҳри ҳавоси бот-бот ифлосланмоқда. Оқибатда, кўчада юриш, уй ҳавосини ўзгартириш хавфли бўлиб қолмоқда. Чунки деразани бир дақиқага очсангиз ҳам, токча усти чанг билан қопланади. Ўша дамда шамол эсиб қолса, хонани чанг босади.

Хонаки гуллар эса нафақат чиройли, балки фойдали ҳамдир. Улар ҳам кўчадаги дарахтлар сингари кислород ишлаб чиқаради. Бу эса хонадонда ўзига хос муҳит яратади. Шундай экан, уйингизни кислородга бой хонаки гуллар билан тўлдиринг ва тоза ҳаводан мириқиб нафас олинг. Бунинг учун қуйидаги гуллардан фойдаланишга ҳаракат қилинг.

Хлорофитум – энг оддий хонаки гулларидан бири. У кўп кислород чиқарувчи ва ҳавони тозаловчи ажойиб восита ҳисобланади. Формалдегид, газ оксиди, зарарли бактериялар ва бошқа ифлослантирувчи моддаларни самарали зарарсизлантиради.

Алое вера – тунда кислород чиқариш бўйича рекордчи саналади. Кўплаб бошқа гуллар қуёш ботгандан сўнг кислород истеъмол қилса, алое уни ишлаб чиқаришда давом этаверади. Бундан ташқари, совуққа қарши курашишда ёрдам беради.

Орхидея – ушбу тропик гул ҳар қандай уй учун гўзал безакдир. Қолаверса, худди алое каби кечаси кислород чиқариши билан ажралиб туради. Уни ётоқхонадаги дераза токчасига жойлаштириб қўйсангиз, ўзингиз учун бутун йил давомида соғлом уйқуни кафолатлайсиз. Орхидея, шунингдек, ксилен ҳавосини тозалаб, хонада соғлом муҳит барқарорлигини таъминлайди.

Фикус – алое ва орхидеядан фарқли ўлароқ, кечаси кислородни ўзлаштиради. Шу боис уни ётоқхонага жойлаштириш тавсия этилмайди. Аммо кун давомида ўзидан кўп миқдорда кислород чиқаришидан ташқари, ифлосланиш билан ҳам яхши курашади. Кўчадан кирадиган чангни ушлаб қолиши учун дераза ёнига фикус билан бирга ям-яшил гулларни қўйиш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Гербера – кўзни қувонтирадиган чиройли гулларга эга ўсимлик. Ҳавони бензолдан самарали тозалайди. Шунга кўра, уни ишлаб чиқариш саноати ривожланаётган шаҳарларда етиштириш тавсия этилади. Бу гул зарарли бензол ва карбонат ангидридни алмаштириш учун ўзидан фаол равишда кислород чиқаради.

Айви – аксарият кишилар ўз уйларига печак қўйишади ва тўғри қилишади. Мини ток сиз нафас олаётган ҳавони тозалайди. Айви одатда сиёҳ, бўёқ ва турли ювиш воситалари таркибида мавжуд бензолни парчалайди. Бинобарин, уни хонадонингизга жойлаштирсангиз, тоза ҳаводан нафас оласиз.

Таклифларимиз сизга маъқул бўлса, тезда улардан фойдаланиб, хонадонингизни кислородга тўлдиринг. Оила аъзоларингиз билан бирга унга тўйинган тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олинг.

Раъно МАҲКАМОВА
тайёрлади

Эълон

«AUTOMATIC SOLUTIONS» МЧЖ (СТИР: 309 766 464) устав фонди 143 830 000 сўмдан 1 847 018 сўм 52 тийинга камайтирилаётганини маълум қилади.

Талаблар Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Дарёбўйи МФЙ, Дарёбўйи кўчаси, 184-уй манзили бўйича юборилиши мумкин.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши жамоаси ҳамда тармоқ касаба уюшмалари жамоалари вилоят кенгаши муҳандиси Заит Турсуновга акаси

Ҳошимхон ТУРСУНОВ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Хотира уйғонса, гўзалдир

ЮРАККА КЎМИЛГАН АСЛ ШОИР

Аввало, мен шундай забардаст шоир билан бирга бир мактабда ўқиб, ёшлик давримиздан бирга ўсиб-улғайганим, бирга ижод қилганим учун, адабиёт фидойиси, давримизнинг оташқалб шоири бўлган инсон билан дўст, замондош, ҳамкор ва елкадош бўлганимдан фахрланаман.

Болалигимизда ким билан яқин дўст бўлишни хоҳласак, жимжилоқ бармоғимизни тутиб, «Кел, охиригача жўра бўлайлик», дея дўстлигимизни бармоқлар орқали муҳрлаб қўярдик.

Хотира уйғонса гўзал, дейишади...

Бизнинг дўстлигимиз, қолаверса, ижодий ҳамкорлигимиз азим Тошкентда яна давом этди. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетида таҳсил олиб, шоир бўлган Азим Суюннинг заҳматли меҳнати давлатимиз томонидан юксак эътироф этилди. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвонига, Чўлпон номидаги биринчи халқаро мукофот совриндорига айланди.

Забардаст, машҳур олиму уламолар, шоиру ёзувчилар ҳақида бирор нарса ёзишдан-да шарафлироқ, шу билан бирга, ўта масъулиятлироқ иш бўлмаса керак. Бундай иш, аввало, ўзингиз ва яқинларингизга манзур бўлиши, энг муҳими, ёзганларингизда ўша инсоннинг барча фазилат ва хислатлари бор бўйи билан салобат тўкиб туриши керак.

1985 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида «Турон чечаги» дастаси тузилиб, унга мени бадиий раҳбар этиб тайинлашди. Бадиий дастамизнинг асосий фаолияти халқ хўжалигининг барча жабҳаларида жавлон уриб хизмат қилаётган юртдошларимиз ҳузурига бориб, «Шеър ва қўшиқ кечаси» тадбирлари ўтказишдан иборат эди.

Мазкур тадбирларда шоир дўстим баралла овозда, бутун вужуди ила ҳайқириб шеърлар ўқиб, мухлислар, томошабинлар олқишига сазовор бўлар эди. Тадбирлар республикамизнинг барча вилоятларида, асосан катта-катта стадионларда ташкил қилинар эди. Деярли барча кечаларда Азим Суюн фаол иштирок этарди.

Шоирнинг ҳаёт ва ижод йўлига назар ташлайдиган бўлсак, у адабиётга етмишинчи йилларда кириб келди. Ўз ижодида бетакрор, эсда қоларли тимсоллар яратиб, мухлислар эътиборини қозонди.

У жиддий ва ажойиб истеъдод соҳиби эди. Сўнгги пайтларда енгил-елпи шеърлар кўпайиб кетаётгани сир эмас. Азим Суюнни шоир сифатида ташвишга соладиган ғоят муҳим нарса бундай «шеърлар»нинг ортида муҳаббат масаласига жуда енгилтаклик билан қараш, севги ва садоқат тушунчаларининг муқаддаслигини чуқур англамаслик ҳолатлари авж олаётгани эди. Шунинг учун ҳам у ижод илинжида шеър битган ва битаётган ҳар бир қалам аҳлига қарата: «Ҳақиқий шоир ўз қадрини ҳам, сўз қадрини ҳам билиши керак. Чинакам шоир ҳузурини ўйлаб, ҳозири учун яшамайди, у мангуликка дахлдор шеърлар яратади», дейишдан чарчамасди.

Дўстим қаламига мансуб она Ватанга садоқат, табиат, дўстлик, мардлик, муҳаббат мавзуларидаги «Ўзбекман», «Андиз», «Тоғларга олиб кетаман» каби бир қатор шеърларига мусиқа басталаб, ижро этганман. У билан ҳамюртларимизнинг яхши кунларида ҳам елкадош бўлиб хизматларда бўлардик. Учрашувларга, тўй-ҳашамларга борганимизда дарров мухлислар қуршаб олишарди. Шунда у уларга қарата «Жаҳонни титратган шоир ким?», дея мурожаат қиларди.

Мухлислар «Азим Суюн!», дея жавоб қайтаришганида, дўстим менга қараб: «Кўрдингизми, Бахтиёрхон, ким билан бирга юрганингизни?», деб ҳазиллашиб қўярди. Бундай фахрланишига асос бор эди, чунки шоир дўстим Жаҳон шоирлар уюшмаси аъзоси ҳам эди.

Бугунга қадар Азим Суюн ижоди ва ҳаёти ҳақида кўплаб мақолалар, китоблар, эсдаликлар тақдимоти бўлиб ўтган, кўрсатувлар ҳамда ижодий учрашувлар ўтказиб келинган ва ҳозир ҳам ушбу анъана давом этиб келмоқда.

«Ҳақиқий шоирнинг
қабри бўлмайди,
Юракка кўмилар
асл шоирлар»,

дейишади-ку?!

Дарҳақиқат, шундай. Чунки дўстим Азим Суюн ҳам ана шундай шоирлардан бири, уни ҳар биримиз юрагимизга кўмиб қўйганмиз. Ҳар сафар шоирнинг шеърларини ўқиганимизда, унинг ҳаёт эканлигига яна бир бор ишонгимиз келаверади.

Дўстимни эслаб, хотирлаб, дил кечинмаларимни қоғозга туширдим, шояд дўстимнинг руҳлари шод бўлса...

Мухтасар қилиб айтганда, дўстим Азим Суюн содда, самимий, қалби гўзал инсон эди, қисқа умр кечирди, аммо ортидан абадий яшайдиган мерос қолдирди.

Бахтиёр ХОЛХЎЖАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ БЎЙИЧА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ

Кўрик-танлов давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, иш берувчилар ҳамда кенг жамоатчиликнинг эътиборини меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишга қаратиш, ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш, иш берувчи томонидан ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши, шунингдек, меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда касаба уюшмалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида ўтказилади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ҳар йили «Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни» арафасида ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқлари ўртасида «Энг яхши ташкилот», «Энг яхши касаба уюшма қўмитаси», «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» ва «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис» каби тўртта номинация бўйича республика кўрик-танлови якунлари ўтказилади.

Кўрик-танлов уч босқичда ўтказилади.

Биринчи босқич февраль ойида бошланган ва ҳудудларда фаолият юритаётган ташкилотлар, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар, 35 ёшгача бўлган ёш меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассислари ўртасида ўтказилмоқда. Биринчи босқичга ҳудудий комиссиялар якун ясайди. Танлов якунига кўра, 3-ўрин учун – республикада белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баробаригача, 2-ўрин учун 6 баробаригача, 1-ўрин учун – 8 баробаригача қимматбаҳо совғалар ва диплом топширилиб, ҳужжатлари тармоқ босқичида иштирок этиш учун юборилади.

Иккинчи босқич касаба уюшмалари Республика кенгашлари ташкилотлари ўртасида ўтказилади, унда ҳар бир ҳудуднинг энг яхши ташкилоти, бошланғич касаба уюшма ташкилоти, меҳнатни муҳофаза қилиш вакиллари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ёш мутахассислар иштирок этади. Тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгаши комиссияси томонидан иккинчи босқич якунланади. Танлов якунига кўра, 3-ўрин учун – республикада белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 баробаригача, 2-ўрин учун 10 баробаригача, 1-ўрин учун – 12 баробаригача қимматбаҳо совғалар ва диплом топширилиб, ҳужжатлари тармоқ босқичида иштирок этиш учун юборилади.

Учинчи босқичда тармоқ Республика кенгашлари ва Федерациянинг ҳудудий кенгашлари меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислари иштирок этади. Ҳар йили 1 августгача Федерация комиссияси томонидан натижалар сарҳисоб қилиниб, учинчи босқичга якун ясалади.

Унда икки нафар, яъни, тармоқ Республика кенгаши ва Федерациянинг ҳудудий кенгашидан ғолиб аниқланади.

Натижаларга кўра ғолиблар республикада белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваригача бўлган миқдорда Федерациянинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланадилар.

Унда тизимдаги бошланғич касаба уюшма ташкилотларида амалга оширилган ижобий кўрсаткичлар учун икки нафар, яъни, тармоқ Республика кенгаши ва Федерациянинг ҳудудий кенгашидан ғолиб аниқланади.

Якуний босқич ғолиблари 11 ноябрь – касаба уюшмалари кунида тақдирланади ва алоҳида эътироф этилади.

Кўрик-танловда қатнашиш тўғрисида иш берувчи ва касаба уюшма қўмитасининг қўшма қарори қабул қилинади. Маълумотларни баҳолаш ва таҳлил қилишда ташкилотларнинг ўтган йилги натижаларидан фойдаланилади. Масалан, фаолият баҳоланаётган йил давомида ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса юз берган бўлса, кўрик-танлов қатнашчиси энг яхши ташкилот номинацияси бўйича кўрик-танловга қўйилмайди.

Шу билан бир қаторда, «Энг яхши касаба уюшма қўмитаси», «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» ва «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис» номинациялари бўйича кўрик-танлов қатнашчиси кўрсаткичларини баҳолашда, олган баллари гуруҳий ва ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодиса учун 50 фоизга, оқибати оғир бахтсиз ҳодиса юз бергани учун 30 фоизга камайтирилади.

Кўрик-танлов ўтказиш давомида қуйидагилар кўриб чиқилади:

ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими мавжудлиги ҳамда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги тизимининг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

ходимларга меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда ишларни хавфсиз олиб боришга доир нормалар, қоидалар ва йўриқномалар талаблари бўйича йўл-йўриқлар берилгани, уларнинг ўқитилгани ва билимлари синалгани;

меҳнат шароитлари ноқулай ишларда банд бўлган ходимларнинг белгиланган нормалар бўйича сут (шунга тенг бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун), махсус кийим-бош, махсус пойабзал ҳамда бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминлангани;

иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилгани;

меҳнат шароити оғир, зарарли ва хавфли ишларда банд бўлган ходимлар, шунингдек, ходимларнинг айрим тоифалари (аёллар, ўн саккиз ёшдан кичик бўлган шахслар, меҳнат қобилияти чекланган шахслар) учун меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши;

ходимларнинг дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) тиббий кўриклардан ўтказилиши;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш бўйича профилактик чора-тадбирларнинг амалга оширилиши;

иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта қилингани;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари туфайли ходимларга етказилган зарарнинг иш берувчилар ёки суғурта компаниялари томонидан ўз вақтида ва тўғри тўланиши;

меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар томонидан жамоатчилик назорати бўйича олиб борилаётган ишлар;

меҳнат муҳофазаси бўйича комиссиялар фаолияти;

жамоа шартномаларида белгиланган меҳнатни муҳофаза қилишга оид талаблар.

Танловда иштирок этиш учун Федерация комиссиясига тармоқ ва ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари тизимига кирувчи ташкилотларда амалга оширилган ижобий кўрсаткичлар акс эттирилган тегишли ҳужжатлар тақдим этилади.

Танлов иштирокчилари тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгардирлар.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини баҳолаш мақсадида комиссия аъзолари ташкилотларга ташриф буюриши ва қўшимча маълумотларни сўрашлари мумкин.

Танлов жараёнида иштирокчилар томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри маълумотлар киритилгани аниқланса, ташкилот, касаба уюшма қўмитаси, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ёш мутахассис, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари ва Федерациянинг ҳудудий кенгашлари мазкур кўрик-танловга қўйилмайди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, барча бошланғич касаба уюшма ташкилотларини кўрик-танловда иштирок этишга таклиф этамиз.

Умид қиламизки, сизнинг меҳнат муҳофазасига қўшган ҳиссангиз жамият, ташкилотингиз ва ходимларингиз учун фойда келтиради.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аппаратининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими

МУАССИС:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay’ati raisi), Ulug’bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G’OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari), Mehriddin SHUKUROV (Mas’ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog‘iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg’ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: J. Nahanov

Musahhihlar: D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 18:00
Topshirildi – 18:30

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

Umumiy adadi 35 046 ta
Shundan:
7521 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
19 061 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
8464 nusxasi «Poligraf-Press» MChJ bosmaxonasi – Marg‘ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda
chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G 211

1 2 3 4 5 6